

## АСОСИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР ВА ТАЯНЧ МАЛАКАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ РОЛИ

Ташметова Азиза Сагдуллаевна

Ибрагимова Дилбар Атхамовна

Чирчиқ Олий Танк Қўмондонлик Мухандислик Билим Юрти  
Инглиз тили фани катта ўқитувчилари

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таянч малакалар вакасбий таълимда алоҳида аҳамиятга эга бўлган бешта таянч компетенциялар кенг ёритилади.

**Калит сўзлар.** малака, таянч малакалар, таянч компетенциялар, касбий.

Малака – бу ходим касбий тайёргарлигининг даражаси ва тури, маълум ишни бажариши учун зарур бўлган билим, амалий малака ва кўникмаларнинг унда бўлишидир. Касбий тайёргарлик малакаси Давлат таълим стандарти (ДТС)нинг малакавий талабларида аниқланади.

Таянч малакалар – бу умумкасбий билим, амалий малака ва кўникмалар, ҳамда шахс қобилияти ва сифатлари бўлиб, улар касбларнинг маълум гурухи бўйича ишларни бажариш учун зарурдир.

Таянч малакалар – фаолиятнинг интегратив турларини самарали амалга оширилишини тақозо қиласи ва профессионаллар учун характерлидир. Когнитив билим беришга йўналган академик таълим доирасида таянч малакаларнинг ривожланишини қийин, чунки билим, амалий малака ва кўникмалардан ташқари уларнинг таркибига когнитив қобилиятлар, шахснинг сифати ва касбий хулқ-атворнинг шакллари ҳам киради.

Амалиёт эса муайян касбий фаолиятни самарали бажариш учун, одатда, 57 та касбий муҳим универсал сифатлар талаб қилинишини қўрсатди, уларга қўйидагилар киради: масъулиятлилик; ишончлилик; коммуникативлик; ҳамкорликка бўлган қобилият; креативлик; мустақил қарор қабул қилишга бўлган қобилият ва б.лар.

Таянч малакалар – мутахассислар таянч компетенциялари ривожланишининг муҳим шартидир.

Компетенция (лотинча *competo* – эришмоқдаман, мос келаман, яқинлашмоқдаман) – 1) қонун, устав ёки бошқа меъёрий ҳужжат билан муайян

ташкилотга ёки мансабдор шахсга тақдим этилган ваколатлар доирасидир; 2) у ёки бу жабҳадаги билим ва тажрибадир.

Компетенцияларнинг маънолари:

- Компетенция (лотинча competere – мос келиш) – бу мутахассис (ходим)нинг касбий вазифаларнинг маълум синфини ечишга бўлган шахсий қобилиятдир;
- Компетенция – бу маълум соҳада муваффақиятли фаолият юритиша билим, амалий малака ва тажрибани қўллаш қобилиятидир;
- Компетенция – муайян орган ёки мансабдор шахснинг юридик ўрнатилган ваколатлари, хуқуқлари ва мажбуриятларининг мажмуидир; давлат органлари (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари) тизимида унинг ўринини белгилайди;

“Европа учун таянч компетенциялар” симпозиумининг (Берн, 1996 й.) материаллари компетенцияга қуйидаги таърифни беришга имкон туғдиради: Компетенция – бу мутахассиснинг касбий фаолиятда ўзининг билим ва амалий қўникмаларини қўллашга бўлган умумий қобилияти ҳамда амалларни бажаришнинг умумлашган усусларидир.

Таянч компетенциялар – бу турли касбий ҳамжамиятларга мослашиш ва маҳсулдор фаолият юритиш учун зарур бўлган маданиятлараро ва соҳалараро билимлар, амалий малакалар ва қобилиятлардир. Таянч компетенциялар касдан юкори турувчи алоҳида тавсифга эга.

Касбий таълимда алоҳида аҳамиятга эга бўлган бешта таянч компетенцияларни фарқлашади.

1. Ижтимоий компетенция – ўзига масъулиятни олиш, қарорларни биргалиқда ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда иштирок этиш қобилияти, турли элатлар ва динларга нисбатан толерантлик, ўзининг манфаатларини ишлаб чиқариш ва жамият эҳтиёжларига мос келишини намоён қилишдир.

2. Коммуникатив компетенция – ҳар хил тилларда оғзаки ва ёзма, жумладан компьютерли дастурлашдан фойдаланиб, мулоқот қилиш технологияларини эгаллаш, хусусан, Internet орқали мулоқот қилиш.

3. Ижтимоий-информацион компетенция – информацион технологияларни эгаллаганлик ва Internet орқали тарқатилаётган ижтимоий информацияга танқидий муносабатда бўлиш.

4. Когнитив компетенция – таълим даражасини доимий равища орттириб боришга ҳозирлик, ўзининг шахсий потенциалини долзарблаштириш ва реализация қилишга эҳтиёж, янги билим ва амалий қўникмаларни мустақил эгаллаш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти.

5. Махсус компетенция – касбий амалларни мустақил бажаришга тайёрланганлик, ўз меҳнати натижаларини баҳолаш.

Демак, таянч компетенциялар – бу муайян касбий вазиятларда муваффақиятли фаолият учун зарур бўлган амалдаги билимлар, амалий малакалар, ҳамда қобилиятлардир. Улар фаолият субъектларининг шахсий характеристикалари эмас (таянч малакалардан принципиал фарқи ҳам ана шунда), балки шахс сифатларини реализация қилишга кўмаклашади, фаолият субъектлари касбий маҳорат ва объектив ижодиётнинг юқори поғоналарига чиқишиганида уларнинг рақобатбардошлиги ва ижтимоий-касбий мобиллигини белгилайди. Улар турли ижтимоий ва касбий ҳамжамиятларда муваффақиятли мослашиш имконини беради. Умумлашганликнинг юқори даражадаги ижтимоий-касбий тузилмаси сифатида улар субъект мақсадли (ижтимоий-касбий ва касбий-ижодий) функцияларининг таҳлили билан аниқланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Байкова Л.А. Технология игровой деятельности: учебное пособие - Рязань: Изд-во РГПУ, 2005. С. 120.
2. Берлянд И.Е. Игра как феномен сознания. –Кемерово: Гуманитарный Центр, 2003. С. 96.